



# Тасвир

● 134 (2398)

● 1991 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

## ҲАРОМДАН ҲАЗАР

# КИМДАН ЎҒИРЛАЯПМИЗ?

Кейинги вақтларда моддий тақчиллик маънавий-тимизга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Авваллари фақат маълум кунлардагина учратадиган чайқовчиларга эндиликда ҳар кун дуч келяпмиз. Уларнинг сурбетларча фаолияти эса нафратимизни ошириб юбормоқда. Бироқ на қонун, на виждон бунга тўсиқ бўлмапти. Гўёки, савдо тармоғи ўзанидан адашган оқимга ўхшайди. Илгарилари «чайқовчи» деган гап маломатдай эшитилиб, ундан ҳазар қилинган бўлса, ҳозирда унга мўр-малахдек ёпишмоқдалар. Бунинг устига шундай одамлар учун оғир замонда-я. Авваллари тақчил мато, идиш каби моллар билан савдолашган бўлишса, ҳозир совун, шакар, гўшт, тухум, сариёғ, ҳаттоки болалар емишигача олибсатарлар қўлида.

— БХСС хизматининг давлат мулкни сақлашда жумҳуриятимиз иқтисодига таъсир кўрсатган ҳиссаси бекиёсдир, — дейди ИИВ БХСС бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция майори Жаҳонмирза Абдувалиев. — Ҳар йили қасддан қилинган жиноий ишлар бўйича етказилган зарарни қоплаш эвазига жумҳурият бюджетига 7-8 миллион сўм атрофида пул қайтарилмоқда. Профилактик чоралар эса ҳар йили 4 миллион сўмликка яқин моддий бойликларни талон-тарож ва йўқотишлардан сақлаб қолмоқда. Бундан ташқари «Ҳосил», «Раста», каби қатор тадбирлар ўтказиш натижасида 5,5 миллион сўмга яқин пул бюджетга қайтиб тушяпти. Буларнинг ҳаммаси 980 кишидан иборат бўлган БХСС хизматининг ишидир.

Дарҳақиқат ушбу хизматни фаолиятсиз деб бўлмайди. Келтирилган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, шу йилнинг 9 ойи мобайнида кўплаб қонунбузарликлар фож этилганига гувоҳ бўламиз. Чунончи, қасддан қилинган 14.796 қонунбузарлик аниқланиб, 10 мингдан ортиқ жиноий иш қўзғатилган. Жумладан, 3546 талон-та-

рожлик, 3338 олибсатарлик, 207 порахўрлик, 1612 жиноятнинг олди олинган.

Тўғри, бу рақамлар кунора чайқовчига рўбарў келаятган кишилар назаридан камдек туюлиши мумкин. Аммо бошқа томонини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Охирги 5 йил давомида ҳар бир ВХСС ходими зиммасига тушаётган иш миқдори 36,4 фоизга кўпайган. Рақамлар янада ортиши мумкин. Бу эса ўз навбатида сифатдан кўра сон ўсишига олиб келмасмикин, деган хавотирни уйғотади.

Чайқовчилик, олибсатарликнинг ҳар қандай кўринишига қарши қонунда кўрсатилган жазони кучайтириш лозим.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқронлик қилаётган тақчилликни вужудга келтираётган яна бир нарсаси — четга қонунсиз олиб кетилаётган моллардир.

Мен ҳар кун темир йўл шохбекати орқали ишга келаман. Тўда-тўда одамларнинг икки қўлларида оғир сумкаларни зўрага кўтариб кетаётганларини кўриб ҳайрон қоламан. Турли идишлар, палос, кийимлар, ҳаттоки, пластмасса тоғора, челақларни ўнглаб ортмоқлашади.

Ўз ҳамюртларига талонга ҳам бермайдиган бу буюмларни қандай қилиб улар ололган экан?

Эҳтимол баъзилар ҳозир ҳамма нарсаси паспорт бўйича берилаяпти-ку, дер. Бироқ шахсан ўзим четдан келаятган қариндош-уруғларига ўз паспортини кўрсатиб, мол олиб бераётганларни кўплаб кўрганман.

Бундан ташқари турли йўналишларга посылка сифатида жўнатилаётганлари қанча. Тўғри, балким фикрларим кимларгадир эриш туюлар. Аммо оддий рўзгор буюмларини ахтариб тополмаётган юртдошларимни кўриб эзилиб кетаман. Ахир қачонгача ўзимиз кийинмай ўзгани кийинтирамиз, ўзимиз емай ўзгага едирамиз?

Узоқ Шарқ, ўлкасидаги Благовешенск шаҳридан

Нур БАДИА.

«Меҳмонларимиз» Ирина Козлова ва Сергей Юдинлар Тошкент шаҳар 28-алоқа бўлимидан 4 та посылка жўнатаётганларида ушланган. Посилкалар текшириб кўрилганда аёлларнинг Австрияда ишланган 270 дона кийим-кечалари чиққан. Бу матоҳлар юртдош аёлларимизга ярашмас эканми? Ёки Благовешенск аёлларининг шоху бутоғи бормикан?

Худди шунингдек, Россия томонларга юборилаётган 7 та посылка текширилган. Уларнинг ичиди жами 464 дона чет элда ишланган турли-туман кўйлақлар, ич кийимлар, 69 дона француз атир-упалари — жами 18893 сўмлик камёб моллар бор экан.

Шунча нарсаларни ўз қондошларига раво кўрмай, имонини пулга сотиб, ўзгаларга раво кўрган ҳамюртларимизга қойиле.

— Утган йили жумҳурият ички ишлар идоралари, прокуратура, халқ ва ишчи назорати идоралари, жамоатчилик билан ҳамкорликда рейдлар ўтказдик, — дейди суҳбатдошим. — Асосий эътибор кундалик эҳтиёж моллари таъминотига қаратилди. 13.700 савдо ва умумий овқатланиш корхоналари текширилди. 3274 марта қонунбузарлик, жумладан 960 марта давлат, жамоат мулкни савдодан яшириш ҳоллари аниқланди.

Нукус гўшт-сут савдо корхонасининг бош муҳандиси М. Содиков ва шу ташиқлотнинг қурилиш бригадир Л. Шербалар 1989-90 йиллар мобайнида давлатнинг 27 минг сўминини еб юборганлиги ошқор бўлди.

Икки йил давомида 27 минг сўмин ўзлаштиришадия бунинг ҳеч ким олдинроқ пайқамайди. Кўзимиз шунчалар сўқирми, бепарқилик ботқоғига шунчалар ботиб кетдикми? Қачонгача шу тахлит ишлаймиз? Менимча ҳар бир шахснинг ўзида ҳаромдан ҳазар туйғуси шаклланмас экан, ҳали-бери бу камчиликлар тугатилмайди. Ахир кимдан ўғирляпмиз? Ўзимиздан эмасми?

Нур БАДИА.

— Пахта йигим-терими мавсуми давом этаётган айни кунларда, — дейди ёнгинага қарши курашиш давлат назорияти бошлиғи ички хизмат капитани Нурмамет Отажонов, — инспектор ва йўриқчиларимиз жойларда ёнгина чиқилишининг олдини олиш чоралари ҳақида бевосита суҳбатлар ўтказишмоқда.

**СУРАТДА:** Ёнгинага қарши курашиш давлат назорияти катта инспектори ички хизмат катта лейтенанти Оллоберган Тожиев ва йўриқчи Бахтиёр Бекюноновлар (ўртада) ишчилар билан учрашууда.

Саъдулла БОБОЕВ олган сураат.

## СУД ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ



# ОТИШГА ҲУҚМ ЭТИЛДИ

Йўқ, уни кўпол деб бўлмасди. Жуда хушмуомала, айтган сўзининг устидан чиқадиган йигит эди, Аёлларга нисбатан жуда эътиборли, илтифотли бўлиб, ҳар кимда яхши таассурот қолдирарди.

Ҳа, ҳозир ваҳшийлигини ана шу одамийлик ҳислатларига усталик билан ўраган жиноятчининг қилмишини англаб етиш қийин. Ваҳоланки, Михаилни таниганлар — дўстлари, ота-онаси ҳам тушунолмай гаранг. Ҳамма учун у жумбоқ.

— Мен Мишани болалигидан биламан, — дейди ўқитувчи А. Тўраева. — Кўз олдимда катта бўлганди. Ҳамма болалар сингари ўсган эди. Бувиси бор эди — жуда зиёли, маърифатпарвар. Ушанинг тарбиясини олган боланинг бу қадар тубанлашишига ишонгим келмайди. Шу кунгача ичганини ёки чекканини кўрмаганман.

Қизларга ниҳоятда меҳрибон ҳомий эди. Одатда болалар қизларга лақаб қўйиб чақирарди. Миша эса аксинча.

Бироқ ҳозир эшитган гапларга ҳануз ишонгим келмаяпти. Наҳотки...

Наҳотки, шундай мўминқобил, одобли, ўқимишли, хушмуомала йигит зўравон, қотил?! Қотил бўлганда ҳам ўз қурбонларини аввал зўрлаб, кейин қийнаб ўлдирадиган жирканч одам-куш.

Худди мана шу «бутун яхши томонлари» билан ўзини кўрсатган йигит эмасми, норасида (5, 11, 14 ёшли) қизчаларнинг умрини хазон қилган?

— Йўқ, у бундай қилмаган. Терговда сақланган вақтда бўйнига олишга мажбур этишгандир. Сўроқнинг қандай олиб борилиши аён-ку, — дейди судлауувчининг ўртоғи истеҳзо билан.

Бошқаларнинг ҳам шу фикрга бормаслиги учун гувоҳ (жабрдийда)нинг ўзини гапиртира қолайлик. А. 15 ёшда.

— Эшик қўнғироғи чалинди. Опамнинг дўконга кетганига беш дақиқа ҳам ўтмаганди. Мен бирон нарсани унутиб қолдиргандир деб, эшикни очдим. Остонада мана шу... турарди. «Жуда чанқаб кетдим. Бир пиёла сув бер!» — деди ва кейин қўнғироқ қилиб олишга рухсат сўради. «Хўп», дейишим билан ичкарига кириб, эшикни ёпди, пичоғини чиқарди.

Ечинини буюрди. Қаршилик кўрсатдим. Ичкари хонага сочимдан судраб олиб кирди. Тўғ тираб кўпол ҳаракатлар қила бошлади.

«Бақирсанг, ўлдираман!» — деди. Хайрият шу пайт онам келиб қолдилар.

— Ҳа, агар беш дақиқа кечикканимда, қизимдан айриларканман. Шўрлик ялонғоч ҳолда, дир-дир қалтираб турарди. Юзларида жон асари йўқ. Мана шу исқирт эса қўлимни яра-лаб, қочишга улгурди. Агар менга қўйиб беришганида тилка-пора қилиб ташлардим, — дея кўрган кечирганларини ҳаяжон билан гапирди унинг онаси.

Жабрдийданинг шу сўзларидан кейин ҳам «ҳозирги тергов усули нималарни тан олдирмайди», демоқчи бўлсангиз, фарзандидан айрилган, ҳамда номуси топталган онанинг фарёдини эшитинг.

— Мени-ку мажбурлаб ҳирсини қондирди-я лекин ўн ойлик боламнинг гуноҳи нимада эди? Йўқ, у одам эмас. Ҳайвон эса унинг олдида гуноҳсиз. Шундай маҳлуқни туққан...

Ҳа, у ўз қурбонларини мажбурлаб ҳирсини қондирди, зўрлаб ўлдирди. Аммо терговчилар «айбинини бўйинига ол!» деб зўрлашмади. Балким қалби ириб-чириб кетган бу иблисдан ҳазар қилгандирлар. Уни гувоҳлар, жабрдийдалар, гуноҳсиз оққан қонлар, излар, қолаверса ўликлар танишди. Шаклу-шамойили сиз билан бизга ўхшаш бу мавжудотни нима деб аташга келсак, тилингиз гапга айланмайди, муносиб ном тополмай гарангсиз.

Назаримда дунёдаги бор ҳақорат сўзлари ҳам унинг асл хусусиятини очиб беролмайдигандек туюлади.

(Давоми 3-бетда).



# ОҚ ЙЎЛ ТИЛАБ

Йўлардаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, уларни камайтириш борасида Чуст туманида қатор ишлар қилинмоқда. Қуйида туман ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция капитани Турсунбой Ғонпов билан бўлган суҳбатни ҳавола этамиз.

— ДАН ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай ишларни амалга оширомоқдалар?

— Сўнгги йилларда туманда автомобиллар сони анчага кўпайди. Шунга қарамай бахтсиз ҳодисалар ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда 2,1 фойга камайди. Агарда ўтган йили 89 та автоҳалокат содир этилиб, 14 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу йил 77 та автоҳалокат бўлиб, 11 киши оламдан ўтди, 85 киши турли тан жароҳати олган.

1990 йили жами 273 қондабузар аниқланган. Бу йил эса 474 тага етди.

Туман «Союзпечати» бошлиғи Б. Охунов, М. Тожибоев, М. Мадаминов каби шахслар маст ҳолатда рулни бошқариб бораётганларида тўхтатилган.

Бундан ташқари давлат уловларини уйда сақлаётган шахслар ҳам аниқланиб, тегишли ташкилотларга маълумотлар юборилган.

Ходимларимиз ҳар бир аниқланган камчиликлар ҳақида аввало ташкилот раҳбарларини хабардор қилиб зарур чораларни кўришга уларнинг эътиборини қаратмоқдалар. Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда.

— Машина олибқочарларга қарши кураш қандай?

— Ҳар бир ўғирлик, шу жумладан олибқочарликка ўз вақтида тўсиқ қўйишга интилоқдамиз. Чунки кўп-кўп жиноятлар уловда содир бўлади. Туманимиз, вилоятимиз ҳудудидаги машиналар ёрдамида бўлса яхши, аммо ўзга вилоят уловларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни очиш анча мушкулроқ. Лекин уларни фош қилиш бурчимиз. Шу сабабли қараб туролмаймиз.

Бўлимимизда ўз касбини дилдан севиб ишлайдиган ходимларимиз анчагина. У. Норқўзиев, О. Нормирзаев, С. Ғафуров, Х. Самадов кабилар постларида доимо ҳушёр ва сергакдирлар. Шу билан бирга ҳар бир қондабузарга мурасимсиздирлар.

Бундан ташқари масъул ходимларимиз автокорхоналар, хўжаликлар, ўқув даргоҳларида бўлишиб суҳбатлар ўтказишади. Матбуотда, маҳаллий радиода йўл ҳаракати хавфсизлигига оид мавзуларда маърузалар уюштиришади. Хуллас автоҳалокатларнинг олдини олиш борасида қўлимиздан келган барча имкониятлардан фойдаланяпмиз.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош  
У. МУҲАМЕДОВ.



**ЧИРЧИҚ** шаҳар ИИБда пост-патрул хизмати яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ўз касбини пишиқ-пухта билган милиционерлар талайгина бўлиб, Серикбой Жуманов ана шундай йигитлардан. У саккиз йилдан буён аҳоли осойишталигини таъминлаб келмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** милиция сержанти С. Жуманов (юқориди); пост-патрул хизмати ходимлари навбатчиликда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

Қува туманига бошлиқ бўлиб тайинланган Ғулом Бобораҳимов ишга янгича ёндашди. Биринчи эътибор фуқароларни қабул қилиш масаласига қаратилди. Тумандаги барча милиция таянч пунктларининг ИИБ навбатчиси билан мунтазам алоқасини ўрнатилмақсадида янги рациялар олинди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бирок ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Бу эса ходимларга қараганда четдаги кишига тезроқ билинади. Шу мақсадда мен бир неча саволлар билан фуқароларга мурожаат қилишни лозим топдим.

— Қува тумани милицияси ҳақида қандай фикрдасиз? — сўрадим шаҳарнинг Калинин кўчасида яшовчи нафақахўр Ҳабибахон Дадажоновдан. — Бошқаларни билмадим, мен яхши фикрдаман.

## УНУТМАЙЛИК

Оҳангаронлик Лева Ким, Баҳодир Содиқов, Рустам Азимбоевларни халқ унутмайди. Чунки улар халқ мулкини туя қилиб юрган ёвуз ўғирлар билан бўлган аёвсиз курашда жон бердилар. Эндигина 31 баҳорни кўрган Л. Ким, 26 ёшни қаршилаган Б. Содиқов, Р. Азимбоевларнинг номлари бўлимга кираверишдаги деворга зарҳал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган.

Халқ ўз қаҳрамонларини унутмади. Л. Ким яшаб улғайган кўча ҳозир унинг номида. Рустам ва Баҳодирларнинг хотираси ҳам абадийлаштирилгандир. Фидойи ходимларимиз ўқиб, таҳсил олган мактабларга номлари қўйилган.

Ҳа, уларнинг номи қалбларимизда мангу яшайди. Биз тириклар унутмасак, ҳоким-пойини топмасак бўлгани. У. ЖУРАЕВ.

## БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ИҶ

# БИРНИКИ МИНГГА

Чунки, адашган ўғлимни тўғри йўлга солишда хизмати катта бўлди. Ноҳақ ишдан четлатилган қизимни ўз ишига қайта тиклади. Яна кўп яхшиликлар кўрдим. Ҳаммасини санаш шарт эмасдир.

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Қайрма қишлоғида яшовчи Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногирони Акбарали Дадажонов қуйидаги фикрини билдирди.

— Авваллари милицияга сира ишим тушмаган эди. Бу жой бюрократлар макони экан. Паспортимни йўқотганимда борувдим. Менга қилган муомалаларини кўриб, ёқамни ушладим. Паспорт бўлимаси

бошлиғи фуқаролар билан хоҳласа гаплашади, хоҳламаса йўқ. Соатлаб телефонда сўзлашиб ўтиришининг бир неча марта гувоҳи бўлдим. Ногирон бўлишимга қарамай мени ҳам 6 марта оворая сарсон қилди.

Менку милиция бошлиғининг аралашуви туфайли ҳужжатни вақтида олдим, лекин бошқаларнинг ҳоли нима кечаётган экан? — деди отахон маъюс оҳангда.

Шу хўжаликдаги И. Отаҳўжаев номли кўчада турувчи Машрабхон Сидиқова ҳам паспорт бўлимасига иши тушиб саргардон юрганлардан экан. Ҳанузгача паспорт ололмабди.

## ТАНБАЛ ФАРРОШЛАР «ХУНАРИ»

Сўнгги кунларда пойтахтимизда ҳаво кескин бузилган кетди. Қайси бурчакка қарамаи, уюм-уюм ҳазонлар тутаб ётганини кўрасиз. Айниқса кечалари ҳаммаёқ тутун гирдобда. Гуёки туман қоплагандек. Аввалига бу ҳазонларни ёш-яланглар ўйнаб ёқиб кетишаётган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин 1 ноябрь куни соат 10 ларда Куйбишев шоҳкўчасидан бораётиб бир манзарага кўзим тушди. Чамаси ўттиз ёшлардаги икки йигит йўл чеккасида тўллаб қўйилган ҳазонларга ўт қўйишарди. Ҳаттоки ўзларининг димоғларига урилаётган қўланса ҳиддан лоҳаслансаларда, барибир, қўлларидан курак билан бурқисиб ётган ҳазон устига яна хас-чўларни ташлардилар. Чамаси бир километрча масофада эса тутун кўкка ўрляпти. Ваҳоланки, ўша фаррошларнинг ихтиёрида ахлат ташувчи 08-15 ТНМ рақамли «ЗИЛ» автомашинаси бор эди.

Мен уларга яқинлашиб, танбех бера бошладим. Ўзини Ҳусан Рўзमतов деб таништирган фаррош йигит гапимни чўрт кесди:

— Нима ишингиз бор. Хоҳласам ёқаман, хоҳламасам машинага ортаман, — деди дангалига ва «қайси қонунда дарахт барглари ёқилмасин, деб ёзиб қўйибди» деб қўшимча қилди. Талабим қатъий эканлигини сезгач эса, бироз ҳовуридан тушди:

— Сиз ҳам тушунингда, ҳамма ахлатларни машинага ортиш бизга оғирлик қилади.

— Ундай бўлса, одамларга зарари тегмайдиган енгилроқ иш танланг, ёки сизга ёрдамчи беришларини сўранг.

Йўқ, бу кишига гап уқтириб бўлмади. У яна ўз ишдан қолмай, кейинги ҳазон уюмларини ёқаверди. Аччиқ тутундан қизариб кетган кўзларини менга тикиб, «Бу ерда мен ўзим-ўзимга хўжайинман!» — деди.

Гарчи вақтим зиқ бўлсада, мен унга чора кўришга мажбур бўлдим.

Шусиз ҳам шаҳар ҳавосини ҳар хил заҳарли газлар бўлгаб ётган бир пайтда бундай танбал фаррошларнинг қилиқлари ортиқча эмасми?

Ишонамизки, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг мутасадди ходимлари бу масалани зудлик билан назоратларига олади-лар.

Исмоил МИНАВВАРОВ,  
милиция катта лейтенанти.

Паспорт бўлимаси иши хусусида фуқароларнинг салбий фикр билдиришларини кутмаган эдим. Иттифоқ зарурият туфайли 10 октябрь куни танишим билан у ерга бордик. Бўлимга бошлиғи милиция капитани Илҳом Содиқов қабулни тўхтатиб, бир савдо ходими билан ташқарига чиқиб кетди. Ярим соатлар ўтгач, қайтиб кирди. Навбатда туравериб тинкаси қуриганлар норозиликларини билдира бошлади.

Мен кирганимда қўпол муомалада бўлиб ҳужжатларимни қўлимга қайтариб берди. Ҳатто бир боқиб қўймади ҳам.

Ҳа, халқ билмай гапирмас экан. Бирники мингга дегандек. И. Содиқовнинг совуққон, беписандлиги бошқалар шаънини ҳам булгаши турган гап.

Р. РАҲИМОВ,  
милиция катта сержанти.



## ОТИШГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг «яхши фазилат»ларини мақтаб «одам боласи» даражасига кўтармоқчи бўлганларнинг кўрсатмалари яранга туз селадни, холос. Тўғри одамнинг олмаси ичида, бандалари қайдан билсин қондаги шайтонни. Билган ҳам, билмаган ҳам бир адашади. Баъзиларга чумчуқ сўй, десанг, лабига учуқ тошади. Аммо инсонга келганда ўйламай-нетмай пичоқ тортиб юбораверади. Бу касалликми-кан-а?! Ёки онгининг онига бўлган адоватими? Хайвонку фақат қорни учун қурбонлик келтиради. Тўқ бўлса, бекорга қон тўкмайди. Нега энди одамзод ўлдиргач танасини қаерга яширишни ўйлаб боши қотади-ган инсонга тажовуз қилади?

Мана, Михаил ҳам шахвоний ҳирсини қондирган, ҳам азоблаб ўлдирган. Нега?

Эшик очган олти ёшли О. опаси Т.нинг мактабдан келишини кутарди. Аммо опа ўрнида нотаниш «амаки» турарди. Гўдакни таҳқирлаган мараз унинг жасадини ваннага ташлади. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади. Қотил кўзгудан қаради. Сумкасини у қўлидан бу қўлига олганча, типирчилаб Т. турарди. Ун бир ёшли Т. ҳам таҳқирланиб, ваннадаги хўрланган синглиси ёнидан жой олди.

Бир кунда икки фарзандининг ўлимига ота-она қандай дош берди экан? Наҳотки уларнинг юраклари чок-чокигача узлиб кетмаган?

— Ҳар бир жиноятга қийналмай, осонликча борардим. Шунинг учунми, енгил кўчарди. Булардан фақат қониқши ҳосил қилардим. Кечалари алоқ-чалоқ тушлар ҳам кўрмасдим. Уйқум ҳар қачонгидек яхши, ҳаловатли бўларди. Асабларимдан нолийдиган жойим йўқ.

Ақлий заифдан бунақа гап чиқмайди. Лекин виждони бор одам ҳам бундай гапирмайди.

— Қурбонларимга нисбатан раҳм-шафқатни сезмасдим. Аксинча, уларнинг қаршиликлари асабимга тегади. Оқ-воҳлари, инграшларидан ҳузурланардим.

Мўздан ҳам совуқ, қабоҳатдан ҳам тубан сўзларни айтиш учун тил қанчалар муртад, руҳият нақадар чиркин бўлиши керак. Бугунги судда Михаилнинг ораси ва хотини йўқ. Атайлаб. Негаки, ушбу ваҳшийликдан жунбушга келган халқ шундай мальунини туғиб вояга етказган онани ёки унинг хотинини тинч қўярмиди? Қолаверса, уларнинг нафрат, ғазаб тўла кўзларига боқилинган ўзи бўлмайди.

Суд раиси ҳукмини ўқишга киришди. Бироқ судда

иштирок этаётган марҳум опа-сингилларнинг онаси жиноятчининг қилмишлари санаб ўтилайётган вақтда бардош беролмади. Қизларининг исмлари тилга олиниши билан бир оқ ўрдию ҳушидан кетди.

Тўпланганлар ғазабдан ўринларидан туриб бақира бошладилар:

— Аблахни бизга қўйиб беринглар, тилка-пора қилиб ташлайлик!!!

— Суд ҳайф унга. Сўрамай отиш керак!

— Ўзини ҳам азоблаб, қийнаб ўлдиринг лозим!

Йўқ, бу одамлар ваҳший эмас. Ақл бовар қилмас ваҳшийликни кўриб, фиғони осмонга чиқяпти, холос. Бир томондан олиб қараганда, шунча жинояти учун битта ўлим. Каммасмикан? Ҳали палид кўрганчалик қўёшни, ой, юлдузларни кўрмаган, ота-она меҳрига тўйиб улгурмаган етти нозик вужуднинг фожиасига биргина ўлим товонми? Шу жойга етганда жазо гўёки енгилдек туюлаверади, туюлаверади. Аммо найлож, маҳлуқнинг сакизтадан қўлоёғи, тўртта боши йўқ, жони ҳам битта. Алам қиладигани ҳам шу.

«Ўзбекистон Жумҳурияти номи билан...»

1956 йилда туғилган, тўлиқсиз олий маълумотли, онлани, Тошкентдаги Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери, шаҳарнинг Юнусобод даҳасида... яшовчи, илгари ҳам судланган Михаил Казаков...»

Дарвоқе, илгари ҳам Ўзбекистон Жумҳурияти ЖМсининг 95-моддаси билан судланган бўлиб, 2 йиллик жазо мўддати кечиктирилган экан.

«... Ўзбекистон Жумҳурияти ЖМсининг 127<sup>3</sup>, 83, 94<sup>4</sup>, 80<sup>1</sup>, 8, 9, 94<sup>3</sup>, 127<sup>2</sup>, 133<sup>2</sup>-моддаларига асосан олий жазога ҳукм қилинади...»

Олий жазо — ўлим. Бироқ маҳкумининг қонли қўлида ҳаётдан барвақт кўз юмган норасидаларнинг айби — қизлигидами? Нега уларнинг умрлари ўз қабиҳ ҳисларига, бетизгин шаҳвонияти, ваҳшийлигига эрк берган маҳлуқнинг оёқлари остида хазон бўлди? Нега?

Михаилга ўхшаб ўзини фақат «яхши томонлари» билан намоён қилаётган ниқоблилар қонда шайтону ялмоғизлар улғаймаётганми-кан?

Орамизда одам қиёфасидаги одамхўрлар ҳали ҳам борми-йўқми? Шу пайтгача одамни ҳайвондан фарқи онинда, онги билан ҳайвондан устун деса ишонардик. Лекин онгсизлар «ҳайвонийликда» биздан ўзса ўзиб кетгандиру, одамийликда биз улардан ўзолмаганимиз рост. Ёки табиат ҳам «онгни» эллаб ишлатолмаганимиздан уни олиб қўяётганми-кан? Қайдам...  
Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

## ПУЛ ТОПИШНИНГ ЙЎЛИ

Хонқа туманидаги хонадонларнинг бирида анчагача чироқ ўчмади. Унинг тўрида тўрт нафар улфат кайфу сафо қилишиб чақчақлашишмоқда.

Ичкилик иштаҳасини очган Исмоил Жуманазарга кесатди:

— Шу ҳам газак бўлди-ми? Қуруқ пивз, помидор. Нима, гўшт йўқми?

— Нима қилай, kilosи 13-15 сўм бўлса. Ишламасам.

— Эй, оғайни, йигитман деб юрган экансан-да. Бир кило гўштга ёки битта то-

вуққа кучинг етмасал!

— Майли, бизлар бор эканмиз, юзингни ерга қаратмаймиз, — муғомбирона иршайди Бобожон. — Ишламай пул топишнинг йўлини ўргатамиз. Фақат оғзингга маҳкам бўлсанг бўлгани.

Жуманазар розилик билдирди. Тўртовлон ярим кечада Бобожоннинг «УАЗ-452» белгили машинасида Богот тумани томон йўл олишди. С. Азимовнинг молхонаси ёнида пайдо бўлишди.

Эрталаб С. Азимов оғил-

хонага кирса, моллар йўқ. Дарҳол ИИБга хабар қилди. Милиция майори Бобохонов Қиличев раҳбарлигидаги оператив гуруҳ жиноят содир этилган жойни синчилаб кўздан кеचирди. Уловнинг излари ва бошқа далиллар аниқланди. Гуруҳ аъзолари иккига бўлиниб, тумандаги автокорхоналарни текшириш учун юборилди.

Бобожон эртаси қонушасини апил-тапил қилдию ишхонасида бир кўриниш берди. Дам олиш учун ёнбошлай деб турганида кимдир ташқаридан чақириб қолди. Уша куниёқ ўғирликнинг барча иштирокчилари қўлга олинди.  
Саъдулла БОБОЕВ.

ҚАРШИ шаҳар ИИБ катта участка вакили, милиция капитани Муҳаммади Жовлиев, мана, йигирма йилдан буён милицияда хизмат қилиб келмоқда. Ўтган давр ичида у киши қанчалаб эл-юрт хизмати-га яроқли шогирдларни тарбиялаб вояга етказмади дейсиз.

Муҳаммади ака, унинг шогирдлари ҳақида гап кетганда одамларнинг тилидан бол томади. Бу ҳам бўлса халқнинг оғриқ нуқталарини сезиш, унга малҳам қўя олиш, умуман халқ дарди билан яшай билишдир. Тан олиш керакки, бу ҳамманинг қўлидан келадиган иш эмас.

Шогирдлари ҳақида гапирганда Муҳаммади ака Мусурмон Азимов номини ўзгача меҳр билан тилга олади. Байналмилалчи жангчи Мусурмон алоҳида қобилиятли, ўз касбини севган йигитлардан.

СУРАТДА: устоз ва шогирд — милиция капитани М. Жовлиев (ўнгда) ва милиция лейтенанти М. Азимовлар ўзаро суҳбатда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

## ЭШИК ОЧИШГА ШОШИЛМАНГ!

Дунёда сохта касблар ҳам кўп экан. Уларнинг эгалари эса ҳожатингизни чиқариш учун эмас, бор-йўқингизни ши-лиш учун хизмат қилади.

Кўп қаватли уй соҳибларининг ишлари аксарият ҳолларда сантехниксиз битмайди. Уларни эса зарур пайтда кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайди. Шунинг учун эшикдан «қувурларнинг қишга тайёргарлигини текшириб кўрамиз», — деб келишса, йўқ деб бўладими?

Илгари ҳам судланган Сменцов ва ўзининг устози, пири комили деб билган Д. Валеровлар ана шундай ҳожатбарорлардан чиқди. Икковлашиб Чилонзор даҳасидаги уйлардан бирининг эшигини қоқишди.

— Ким? — ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Биз газчилармиз. Текширгани келдик.

Остона ҳатлаган «газчилар» ўша захотийёк пичоқ ўқталиб уй эгасининг оёқ-қўлларини боғлашди. Босқинчилар тинтув билан овора бўлганидан фойдаланган аёл бир амаллаб оёқ-қўлларини ечдию, дод солиб кўчага отилди.

Ишнинг бундай тус олишини хаёлларига келтирмаган ўғриллар жуфтатки ростладилар.

Излар босилди, деб ўй-

лаган муттаҳамлар бир неча кун ўтиб, яна бир хонадонга ташриф буюрдилар.

Хайрият, ишдан қайтиб келган уй соҳиб кўзлари бежо газчилардан ҳужжат сўради.

— Бизлар ҳали мустақил иш бошлаганимиз йўқ. Ҳужжатни кейинроқ беришади, — деб хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолдилар.

Уйлар оралаб, аланг-жалаң қилиб юрган, башанг кийинган йигитлар кўнгилли халқ назоратчисининг диққатини тортиди. У участка вакили хонасига югурди. Милиция лейтенанти А. Маликов ёрдамчиси билан шубҳали шахслар изига тушди.

Йигитлар милиция ходимини кўришлари билан дуч келган уйга кирдилар. А. Маликов 7-қаватда қочоқларга дуч келди. Тўппонча ўқталиб бирини қўлга олди. Кейин милиция катта лейтенанти С. Мирқосимов ёрдамида иккинчисини ҳам тутиб, ИИБга келтирди.

«Газчи»ларни жабрдийда аёл дарров таниди. Уларнинг сумкасида чиққан пичоқ, чарм қўлқоп, юзга тўтиладиган ниқоб ҳам жиноятчиларнинг қилмишларини фош этишда ашъвий далил бўлиб хизмат этди.

С. ШАВҚИЕВ.



Еттинчи июнга ўтар кечаси эди. Ширин шаҳар ИИБга қўнғироқ бўлди. Навбатчи милиция капитани Б. Акбаровга шаҳар касалхонасининг жарроҳлик бўлимига икки кишини келтиришганини, иккаласи ҳам пичоқланган, ахволи оғирлигини айтишди. Зудлик билан оператив гуруҳ чақирилди. Унга шаҳар ИИБ бошлиғи милиция капитани А. Холматов раҳбарлик қила бошлади.

Опергуруҳ аъзолари воқеа содир этилган жойга бориб, ён атрофда яшайдиган кишилардан воқеа тафсилотини, у ерда кимлару нима-лар бўлганини суриштира бошладилар.

Орадан уч соат вақт ўт-

## «УЛФАТЛАР»

май қотилинги кимлиги аниқланди ва қўлга олинди. У муқаддам судланган, Ховос тумани Ширин давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Абдуғаффор Эшбоев деган йигит бўлиб чиқди.

Воқеа шундай бўлган эди: Уч ҳамқишлоқ — Абдуғаффор, Шарифжон, Обид йиғилишиб, улфатчилик қилмоқчи бўлишди. Кечга яқин аллақайдан ароқ топиб келишди, ичишди. Икки орада кайфи таранглашиб қолган Абдуғаффор билан Шарифжонларнинг ўртасида келишмовчилик чиқди. Оқи-

батда эса жаҳлнинг тия билмаган Абдуғаффор Шарифжонга пичоқ санчди. Бу ҳодисани четдан кузатиб турган Обиднинг эса кайфи тарқаб кетди. Уртага тушди:

— Сен ярамас уни нима қилиб қўйдинг?

— Кекирдагингни чўзма, сени ҳам шу нарса кутапти!

Абдуғаффор унга ҳам пичоқ санчдию воқеа жойдан яширинди.

Шарифжон қорнидан олган оғир тан жароҳати натижасида касалхонада ҳаётдан кўз юмди. Обид ҳанузгача даволанмоқда.

Қотил эса 9 йил мўддатга озодликдан маҳрум этилди.

С. СУЛАЙМОНОВ.

# ЭХТИЁТ БЎЛИНГ,

## ФИРИБГАР!



Суратдаги моҳипайкар, офатижон қизнинг юзига яхшилаб разм солинг. Қандай гўзал. Лабида кулгу, кўзида жилва. Мабодо кўча-кўйда рўбарў келиб қолсангиз, нигоҳидаги ишратга чорлаб турган жилва сеҳрига мафтун бўлиб қолманг. Афсус чекасиз, лекин фойдаси бўлмайди. Афсус чекмайин десангиз, уни учратишингиз билан «02»га хабар қилинг.

...Тошқовуздан кўхна Тошкент сари йўлга чиққан ҳарбий қисм «сипоҳиси беғам, беташвиш хаёл суриб, поезднинг бир маромда тебранишига мос чайқалиб келаётган эди. Нотаниш бир жувон унга яқинлашди.

— Сиз милицияда ишлайсизми? — деб сўради.

Игит унга бошдан-оёқ суқланиб боқди.

— Йўқ, нима йди?

— Эрим билан қандай ажрашиш тўғрисида сўрамоқчи эдим, — деди жувон аянчли қиёфа касб этиб.

Игит тасалли бериб уни юпатади. Қонун-қонда ҳақида тушунтирди.

— Сиз жуда дилкаш Игит экансиз, бирга бўлсам, қора ўтмишимни унутаман. Сиз билан Тошкентда қолсам майлими? — деди жувон нозли ҳиринглаб.

Игит ҳам қучоғини тўлдириб турган «роҳатижон»дан ажралишни истамас эди. Бошлашиб меҳмонхонага бордилар. Лекин қизнинг ҳужжати йўқлиги учун жой беришмади. Баланд нархда бўлсада, ижара топишди.

Игит эртаси куни хизматга бормаса, иложи йўқ. Бироқ ёш «келин»ни ёлғиз қолдиришга ҳам кўнгли бўлмади. Ҳарбий қисмга бирга олиб борди.

— Шу ерда кутиб тур, тезда қайтиб чиқаман, — деб ичкарига кириб кетди.

Ёлғиз қолган жувон кимнидир кутиб бетоқат бўлаётган аёлга яқинлашди.

— Ҳозир ичкарига кириб кетган киши эрингизми? — қизиқди аёл.

— Ҳа, сиз ўзингиз нега бу ерда ўтирибсиз?

— Кичик ўғлим Улғубек шу ерда хизмат қилади. «Уволнителний» оламан деб келган эдим, беришмади. Айтмоқчи, сизнинг эрингиз ёрдам қилмасми-кан?

— Бўпти, эримга айтаман, ҳар шанба-якшанба кунни ўғлингизни бўшатиб

юборади. Лекин ҳозир бизга арзонроқ ижарахона топишга ёрдам берсангиз.

— Ижарахонангиз нима-си, ўргилиб кетай. Менинг уйимда турасизлар. Исми-мактуба, — деб аёл манзилгоҳини ёзиб берди.

Кечқурун Мактуба опа уларни қучоқ очиб кутиб олди. Уйнинг тўридан жой бериб, парвона бўлди. Икки кун ўтгач, Игит «Ишим юришмади, Ашхободга кетаман», — дея «хотини»ни қўлтиқлаб чиқиб кетди.

— Энди нима қиламиз, мен билан Ашхободга борасанми? — деб сўради Игит шохбекатда.

— Йўқ, Бекободга — ота-онамникига борганим маъқул, — деди «хотини».

Ниҳоят хайрлашдилар. Аммо у Бекободга эмас, яна Мактуба опанинг уйига қайтиб келди.

Ширин тилли бу жувонга Мактуба опа яна ишонди. Уйдан жой берди. Ҳатто уйнинг калитини ҳам ишониб қолдирди. Феруза учун эса худди шу нарса — ишончга кириб олиши керак эди. Ёлғиз қолгач, қўлга илингулик қимматбаҳо тақинчоқ ва пуллари олиб, жуфтани ростлади.

Мактуба опа йглаб, милицияга арз билан борди. Қидирув ишлари бошланди. Ҳарбий сипоҳи тергов қилинди. Лекин у шўрлик ҳам фирибгар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас экан. Бирга тушган расмини кўрсатди, холос. У исмини ёлғон айтиб, Бекободдаги манзилни ҳам нотўғри берган. Ҳозирча фирибгар ҳақида бори шу — расм.

Ҳурматли муштарийлар! Расмдаги гўзални кўрсангиз ёки танисангиз, «02»га хабар қилишга шошилинг. Унинг — қорақалпоқ қизининг бўйи 170-180 сантиметр, озгиндан келган, бугдой ранг, сочлари калта, ингичка қош, пачоқ бурун, узунчоқ юзли, сепкилли, бурнининг устида иккита кичкина холи бор.

Шавқиддин САМИЕВ.

гиз, 56-62-28 ёки 02 рақамли телефон орқали ўзингизга яқин бўлган ички ишлар бўлимига хабар қилишингизни сўраймиз.



# МИЛИЦИЯ ХОДИМИ—МУАЛЛИМ

Кейинги пайтларда Бағдод туманида кўнглисиз оқибатлар билан тугаётган йўл-улов ҳодисалари нҳоятда урчиб кетди. Айниқса, ёш болаларнинг бу фалокатлардан тортаётган жабрига тоқат қилиб бўлмайди.

Сабаб нима? Сабаб — болаларнинг йўл ҳаракати қондаларини яхши ёки умуман билмаслиги. Биринчи ва энг асосий масала ҳам шу. Агар улар ота-оналари етакчилигида мактабга ёки боғчага боришса, хўп-хўп, аммо ўзлари йўлга тушишса-чи?

Тўғри, мактабларда йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш ўқув режаларига киритилган. Шунингдек, боғчаларда ҳам бу назардан четда қолган эмас. Фақат ўқитиш қай йўсинда бормоқда, кимлар ўқитмоқда, натижаси қандай бўляпти?

Кўпгина мактабларда, айниқса, бошланғич синфларда яқиндагина билим юртни битириб келган ёш ўқитувчиларнинг ўзлари йўл ҳаракати қондалари бўйича тўлиқ малакага эга бўлмай

туриб, бутун бошли синфга қандай дарс берадилар?

Хўш, нима қилиш керак? Бағдод туманида бунинг йўлини топдилар. Туман ички ишлар бўлими ва халқ таълими бўлими ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштирдилар. Ўрта мактабларда, боғча-

йича ўтиладиган дарсларни китобга қараб тушунтиришар, назарий билим бериш билангина чекланишарди. Лекин ўқувчилар кўчага чиққанларида олган билимларини амалда қўллашни билишмас эди. Ҳозирги тадбиримиздан эса умидимиз катта.

— Амалий машғулотларни туман ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар билан ишлаш назориятининг бошлиғи, милиция капитани М. Исоқов ўтяти, — дейди 1-боғча мудираси А. Аҳмедова. — У болаларга болаларча ёндошиб, уларнинг қанчалик тушуниш даражасини ҳисобга олган ҳолда иш юритади. Натижа эса ёмон эмас. Болалар учун бу машғулот жуда сеvimли бўлиб қолди.

Ҳа, бағдодликлар хайрли ишга қўл урдилар. Менимча, бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

И. КАРИМОВ,

17-ўрта мактабнинг синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси.

### ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ларда балоғатга етмаганлар билан ишлаш назорияти ва ДАН томонидан тайинланган ходимларнинг дарс ўтишлари йўлга қўйилди. Машғулотлар туман марказидаги яқинда фойдаланишга топширилган болалар боғида ўтказиладиган бўлди. Боғда йўл ҳаракати қондаларини амалда, яъни улов воситалари ва пиёдалар иштирокида ўргатиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Бу борада туман халқ таълими бўлими мудирини М. Холматовнинг ҳам фикри ижобий:

— Илгарилари мактаб ўқитувчилари ўқувчиларга йўл-ҳаракати қондалари бў-

# Ўзбекистон Жумҳурияти ИИВ Рўзномасига ЁЗИЛИНГ, ЎҚИНГ!



# Тасвир

### ҚИДИРИЛМОҚДА

1934 йилда туғилган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув қишлоқ кенгаши ҳудудида яшовчи Усмон Убайдуллаев қидирилмоқда. У шу йил 23 октябрь кунини соат 16 ларда «ГАЗ-24» «Волга» белгили 92-74 ТШЛ рақамли қирмизи рангли автомашинида уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Уша кунини у қорамтир рангли костюм, дўппи, оёғига эса жигарранг туфли кийган эди.

Белгилари: ўрта бўйли, озгиндан келган, чап ёноғида думалоқ тиртиғи бор.

Агар бу одам ҳақида бирор маълумотга эга бўлсан-

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Ломатки кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернини босмаҳонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.